
“Ўзбекистон ёшлар форуми – 2021” ойлиги доирасидаги тадбирлар

Шу кунларда “Ўзбекистон ёшлар форуми – 2021” ойлиги доирасида Ўзбекистон тумани ёшлари иштирокида турли тадбирлар, акциялар ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 22-мактабда ташкил этилиб, унга ҳарбий қисм аскар ва зобитлари ташриф буюришди.



Ўқувчи ёшларга ватанпарварлик, миллий армиямиз, унинг куч-қудрати ҳамда ватанни ҳимоя қилиш энг шарафли бурч экани ҳақида тушунчалар берилиши билан биргаликда, ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. 1 / 2



Ойлик доирасида тадбирлар тумандаги барча таълим масканлари ва ҳудудлар бўйлаб давом этмоқда.

2021-12-16 15:59:49

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги